



# MILLIY TIKLANISH

31 (300) ● 2014 йил 13 август, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси  
 ЎзМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

Куйи бугун фаоллари иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, партиянинг дастурий мақсадларини кенг тушунтириш ва улар бандлигини таъминлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда



Ўзбекистон демократик янгилини ва тараққиёт йўлидан қатъий қадамлар босиб бораётган, куч-қудрати тобора юксалиб, замонавий кўптармоқли иқтисодиётга эга бўлган, ўз халқининг фаровонлигини оширишга қодир мамлакатга айланиб бормоқда



Фан мамлакат иқтисодига зарар келтирадиган, инсон ҳаётига таҳдид соладиган ана шу ҳалокатларни башорат қилишнинг турли йўллари излашда давом этади. Зеро, бу йўлдаги ҳар бир уриниш шаҳарларни асраши, минглаб инсонлар ҳаётини сақлаб қолиши мумкин



## 3 ПАРТИЯ ҲАЁТИ



## 6 ДЕПУТАТЛИК БИРЛАШМАЛАРИ

## 7 ХАЛҚАРО ҲАЁТ

# Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!

### Минтақавий семинар



## Тараққиёт йўлида собит ҳамкор

Ҳар бир давлатнинг тарихида янги давр бошланишини белгилайдиган ёрқин саналар бўлади. Ўзбекистон учун 1991 йилнинг 1 сентябри — давлат мустақиллиги эълон қилинган кун худди шундай ҳодиса, энг буюк ва қутлуг сана ҳисобланади. Ушбу шодиёна арафасида босиб ўтилган йиллар чўққисидан ортга боқиш ва амалга оширилган кенг кўламли ислохотларни атрофлича таҳлил этиш, эришилган натижаларни сарҳисоб қилиб, келгуси режаларимизни белгилаб олиш яхши анъанага айланган. Зеро, мустақил тараққиёт йилларида республикаимиз кўлга киритган ютуқларни сарҳисоб қилар эканмиз, уларнинг натижасидан кўнгилларимиз ифтихор ва гурурга тўлади.



## Сайловларда муносиб иштирок этиш

фуқароларнинг партиямизга ишончи, сайловчилар танловига боғлиқ

Сайловларга тобора яқинлашиб бормоқдамиз. Унинг натижалари сиёсий партияларнинг муҳим синовга пухта тайёргарлиги билан бир қаторда фуқаролар танловига ҳам боғлиқ. Фуқароларнинг сайловларда фаол иштирок этиши, партиямиз номзодларига овоз бериши сайловолди Платформасининг жозибадорлиги, халқчил ва аниқлиги, шунингдек, сайловдан сайловгача бўлган давр оралиғида амалга оширган саъй-ҳаракатлари, тарғибот тадбирлари, бир сўз билан айтганда, сайловларга тайёргарлиги билан баҳоланади.

Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда: "Модомики, биз демократик ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти барпо этиш каби зғу мақсад сари интилаётган эканмиз, демократиянинг бош талаби бўлмиш эркин сайловларни муносиб ташкил қилиш биз учун ҳам қарз, ҳам фарзидир".

2-бет

ютуқларимизнинг гарови бўлиб хизмат қилмоқда.

### ЎТКИР МАСАЛАЛАРНИНГ МАРДОНАВОР ЕЧИМИ

Ҳақиқатан ҳам, қарийб йигирма уч йиллик мустақил тараққиётимиз мобайнида Ўзбекистон иқтисодиёти 4,1 баробар, аҳолининг ялпи реал даромадлари жон бошига 8,2 қарра ошгани, кейинги 10 йил давомида мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати 8,1 фоиздан кам бўлмасдан келаётгани эътиборга сазовордир. Айниқса, ижтимоий-гуманитар соҳада эришилган марралар—аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш учун йўналтирилган давлат қаражатлари юқори даражада бўлиб, умумий қаражатларнинг 59,3 фоизини ташкил этгани, турмуш даражасининг сезиларли равишда яхшиланганлиги ва бунинг натижасида одамларнинг ўртача умр кўриши 66 ёшдан 73,5 ёшга, жумладан, аёлларнинг ўртача умр кўриши 75 ёшга етганини мамнуният билан таъкидласак, арзийди.

4-5-бет

### Мустақиллик — менинг тақдиримда

## Ватанга муносиб бўлиш

ва миллат шаънини ҳимоя қилиш — асосий вазифамиз

Акмал ҲАМРОЕВ, ЎзМТДП Бухоро вилоят Кенгаши "Ёшлар қаноти" фаоли:

— Истиклол шодиёналари ҳар биримизни, унга эришиш учун кечган курашлар, мамлакатимиз мустақиллик йилларида босиб ўтган шонли йўл, хуллас, амалга оширилган изчил ислохотлар мағзини чақишга ундайди. Даврлар ўтган сари мустақиллигимиз тарихини ўрганиш, бу улуг неъматга қандай эришганимиз моҳиятига етиш, истиқлолимиз кадрини янада чуқурроқ англашнинг аҳамияти тобора ортиб бораверади. Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда ёш авлоднинг билим олиши, куч ва иқтидорини тўла намоён қилиши, ҳар томонлама бар-

камол авлод бўлиб вояга етиши йўлида барча шарт-шароит ва имкониятлар яратилмоқда. Хусусан, таълим ва спорт соҳалари навқирон авлод камолотининг муҳим омил сифатида изчил ривожлантирилмоқда. Бунинг натижасида, юртимизда танлаган соҳалари бўйича етуқ мутахассислар бўлиб, катта ҳаётга дадил кириб келаётган ёшлар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Бугун юртимизда ёшларнинг таълим олиши, ўз иқтидорини тўла намоён этиши йўлида яратилган имкониятлар сабаб жаҳон фан олимпиадаларида, халқаро спорт мусобақаларида, мусиқа ва санъат йўналишидаги нуфузли танловларда қўллаб-қувватлашимиз фолибликни кўлга киритиб, жонажон Ватанимиз об-



рўсини оширмоқда. Замонавий таълим даргоҳлари, спорт иншоотлари, мусиқа ва санъат мактабларида таҳсил олаётганимиз бизга ана шундай ҳадис имкониятлар бермоқда.

2-бет

Партия гуруҳларида

## Белгиланган режалар

депутатларимиз фаолиятида қай даражада намоён бўлмоқда?

6-бет

«Milliy tiklanish» газетасини  
[www.milliytiklanish.uz](http://www.milliytiklanish.uz)  
 сайтида ҳам ўқинг!

### Тараддуд

Ўтаётган ҳар бир кун бизни давлатимиз мустақиллигининг 23 йиллик тапталари томон яқинлаштирмоқда. Юртимизнинг турли гўшаларида, шаҳару қишлоқларида байрам нафаси кезмоқда. Энг улуг, энг азиз айёмга тайёргарлик кўриш, уни муносиб қаршилаш учун қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарорида асосан, жойларда турли тадбир, учрашув, форум ва давра суҳбатлари ўтказилмоқда.

## "Ягонасан, муқаддас Ватан: Ўзбекистон кеча ва бугун"

Темурийлар тарихи давлат музейида ташкил этилган давра суҳбати ушбу мавзуга бағишланди

6-бет

# "Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158



Минтақавий семинар



## Сайловларда муносиб иштирок этиш

Фуқароларнинг партиямизга ишончи, сайловчилар танловига боғлиқ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда)

ЎзМТДП Марказий Кенгаши томонидан партия ташкилотларининг сайловларда муносиб иштирок этишини таъминлаш, партия аъзоси, дастурий мақсад-вазифаларини тарғиб қилишда замонавий ва самарали усуллардан фойдаланиш, сайловга оид қонунчилик асослари билан таништириш ҳамда барча даражадаги партия ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида ташкил этилган минтақавий семинарнинг навбатдагиси Наманганда ўтказилди. "Ўзбекистонда сайлов тизими ва унинг ҳуқуқий асослари" мавзусидаги семинар партия Андижон, Фаргона ва Наманган вилоят Кенгаши фаоллари иштирокида бўлиб ўтди.

Семинарда ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Сарвар Отамуратов "Мамлакатимизда сайлов қонунчилигининг такомиллашуви: ЎзМТДПнинг қонунчилик ташаббуслари" мавзусида маъруза қилиб, иштирокчилар эътиборини мамлакатимиз сайлов қонунчилигининг мазмун-моҳиятига қаратди.

— Давлатимиз раҳбари томонидан парламент палаталарининг қўшма мажлисида тақдим этилган "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси" миллий сайлов тизimini янада демократлаштириш ва ривожлантириш, унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш борасидаги ислохотларнинг янги босқичини бошлаб берди. Сиёсий партияларнинг сайлов жараёнларида эркин, фаол иштирок этиши, сайлов ҳуқуқларини тўла амалга оширувчи вазифалари янада такомиллаштирилади. Айниқса, мазкур дастуриямал Концепцияда илгари сурилган Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантиришга қаратилган қонунчилик ташаббуслари сиёсий партияларнинг фаолигини янада кучайтириш, уларга тенг шароитлар яратиш, кўп партиявийликни ривожлантириш, демократик ислохотларни янада чуқурлаштиришда муҳим қадам бўлди.

Таъкидлаш жоизки, мустақиллик йилларида мамлакатимизда сайлов қонунчилиги ва унинг норматив-ҳуқуқий негизи шаклланди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддасида Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг давлат ҳокимияти вакиллик органлари сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи, шунингдек, ҳар бир сайловчи бир овозга эга эканлиги, овоз бериш ҳуқуқи, ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланиши мустақамлаб кўйилган. Шунингдек, "Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги, "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашига сайлов тўғрисида"ги, "Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги, "Сиёсий партиялар тўғрисида"ги, "Сиёсий партияларнинг молиялаштириш тўғрисида"ги ва бошқа қатор қонунлар, қонуности ҳужжатлари шулар жумласидандир. Бу борада амалга оширилаётган ислохотларни аҳоли орасида кенг тарғиб-ташвиқ қилиш орқали уларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданияти, фуқаролик позициясининг шаклланишига ҳисса қўшиш асосий вазифамиз саналади. Бугунги семинар ҳам айтиш шунингдек ташкил этилди, - деди партия етакчиси.

Семинарда ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси ўринбосари Жалолiddин Сафоев "Сайлов жараёнида партиялараро рақобат, ғоялар ва дастурлар кураши" мавзусида маъруза қилди. — Мустақиллик фуқаролар онгу шуурида, тафаккури ва дунёқараши улкан янгиланиш ва юксалишга йўл очди. Бугун юртдошларимизнинг салоҳияти, дунёқараши кенг, сиёсий-ҳуқуқий маданияти юксак. Уларнинг сиёсий жараёнлардаги иштироки ҳам замон талабига мос. Шу нуқтаи назардан яқинлашиб келаётган парламент палаталари ва маҳаллий Кенгашларга бўлиб ўтадиган сайловлар аввалгиларидан тубдан фарқ қилади. Ўтган сайлов сабоқларидан тўғри хулоса чиқарган сиёсий партиялар ҳам, кундан-кунга дунёқараши юксалиб бораётган фуқаролар ҳам муҳим сиёсий жараёнда фаол иштирок этишга ҳозирлик кўраётди. Бу, ўз навбатида, партиялараро соф рақобатнинг вужудга келишига имкон яратади. Шундан келиб чиқиб, ЎзМТДП ғояси, унинг дастурий мақсад ва вазифаларини кўриб олиш, замонавий сиёсий технологиялардан фойдаланиш, ғоявий мақсадларни аҳолига таъсирчан, ишонарли тарзда етказиб бериш муҳим саналади. Бу эса партиямизнинг сайловлардаги муносиб иштирокини таъминлаши шубҳасиз.

"Сайлов кампанияси даврида қонун устуворлиги, партия кузатувчиси ва номзодларнинг ваколатли ҳамда ишончли вакиллари фаол иштирокининг долзарблиги" мавзусида маъруза қилган ЎзМТДП фракцияси аъзоси Олимжон Акилов сайлов кампаниясининг муҳим босқичи бўлган сайловдаги ташвиқоти, сайловларда иштирок этадиган қўзғувчи, ваколатли ва ишончли вакиллarning вазифалари, овоз бериш тартиб-қоидалари ҳақида тўхталиб ўтди.

Яқинда кун тартибидидаги барча масалалар юзасидан билдирилган фикр-мулоҳазалар, таклифлар асосида ЎзМТДПнинг чора-тадбирлар дастури белгилаб олинди. Унда партия электроти билан ишлаш, партия манфаатини ҳимоя қила оладиган аъзолар ҳисобига сафларимизни кенгайтириш, ўтказилаётган тадбирлар таъсирчанлигини ошириш ва сайловларга таратилган муносабатларни янада кучайтиришга туртки бўлади.

**Нодира АБДУХОЛИҚОВА,**  
ЎзМТДП Фаргона вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони етакчи мутахассиси:

— Жорий йилда бўлиб ўтадиган сайловларга тайёргарлик кўриш ва муносиб иштирок этиш, номзодлар рўйхатини шакллантириб боришда Фаргона вилоят Кенгашида қизгин иш жараёни кетмоқда. Бугунги ташкил этилган ўқув-семинар ҳам сайлов жараёнларида эътибор қаратишимиз лозим бўлган қатор мақсад ва вазифаларни амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади. Семинарда тақдим этилган маърузаларнинг амалдаги ижроси фаолиятимизда акс этиб, сайловлардаги муносиб иштирокимизни таъминлаши шубҳасиз.

**Қодиржон МАМАДЖОНОВ,**  
ЎзМТДП Наманган вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони бош мутахассиси:

— Бугунги семинар сайловларга ҳар томонлама муносиб тайёргарлик кўриш, партиямиз Устави ва Дастури ҳамда сайловдаги Платформасидаги мақсад ва вазифаларини қўлаб-қувватловчи, аҳоли ўртасида кенг тарғиб қиливчи муносиб номзодларни танлаб олиш жараёнида айтиш мумкин бўлди. Айтиш мумкин бўлди. Айтиш мумкин бўлди. Айтиш мумкин бўлди.

манган вилоят Кенгаши томонидан сайловга пухта тайёргарлик кўриш мақсадида сайлов штаблари ташкил этилган. Турли тадбир ва учрашувларда партия фаолларининг сайловларда иштирок этишга қаратилган аниқ таклиф ва мулоҳазалари олиниб, қизгин баҳс-мунозаралар олиб боришмоқда. Мазкур семинар бу борадаги амалий саъй-ҳаракатларимизни янада кучайтиришга туртки бўлади.

**Қамола АБДУВАЛИЕВА,**  
ЎзМТДП Андижон вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони бош мутахассиси:

— Ҳаёт ривожланиб борар экан, сиёсий жараёнлар ҳам такомиллашиб бораверади. Бунда сайлов қонунчилигидан хабардорлик, партиялар учун яратилган имкониятлардан умумий фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Бугунги семинарда билдирилган фикр-мулоҳазалар, янги таклиф ва ғоялар асосида белгиланган вазифаларни фаолиятимизга татбиқ этиш, барча ҳудудий партия ташкилотлари билан таъриба алмашиб бориш сайловларга ёруғ юз билан киришимизга имкон яратади.

**Шоҳида ДАМАНОВА,**  
"Milliy tiklanish" мухбири

ЎзМТДП ташкилотларида

## Ҳудудий Кенгашлар йиғилишлари

партия Марказий Кенгаши пленумида белгиланган мақсад ва вазифаларга қаратилди

Шу кунларда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳудудий Кенгашларининг кенгайтирилган йиғилишлари бўлиб ўтмоқда. Уларда партия вилоят Кенгашларининг жорий йил биринчи ярим йилликдаги фаолияти яқин ва иккинчи ярим йилликдаги фаолиятининг асосий йўналишлари ҳамда жорий йил декабрь ойида парламент куйи палатаси ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловларга тайёргарлик кўриш ва бошқа масалалар муҳокама этилмоқда.



ЎзМТДП Наманган вилоят Кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида партия Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, партия вилоят Кенгаши фаоллари, шаҳар ва туман партия ташкилотлари ходимлари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари аъзолари, бошланғич партия ташкилотлари етакчилари иштирок этди.

Кенгайтирилган йиғилиш кун тартибидан Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарорига асосан, "Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!" ширини асосий ғоя сифатида ўзидан муҳасам этган ташкилий-амалий, маънавий-маърифий тадбирлар, тарғибот-ташвиқот ишлари олиб бориш, партия вилоят Кенгашининг фаолияти таҳлили ва сайловларга тайёргарлик ишлари ҳамда партия вилоят кенгаши фаолиятига оид бошқа масалалар муҳокама этилди.

Йиғилишни ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Сарвар Отамуратов кириш сўзи билан очиб, жумладан, шундай деди:

— Бугун мамлакатимизнинг барча шаҳару қишлоқларида миллатимизнинг янги тарихи зарваракларида муносиб жой олган, халқимиз хотирасида ўчмас ва шонли саналган айланган энг улғу, энг азиз айём - Мустақиллигимизнинг 23 йиллигини кенг нишонлаш учун қизгин тайёргарлик кўришмоқда. Президентимиз қароридан белгиланган вазифаларни амалга оширишда барча давлат ва нодавлат ташкилотлари қатори Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг барча даражадаги ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари ҳам бор куч ва имкониятларини ишга солишмоқда. Шу муносабат билан партия Марказий Кенгаши ва Фракциясининг иш дастури қабул қилинди. Дастурага асосан, "Мустақиллик — миллий тикланиш ва юксалишдир", "Тинчлик ва осойишталик мамлакатимиз тараққиёти кафолатидир", "Қадриятларимизга айланадиган муносабатларимизга айланадиган муносабатларимиз" каби тарғибот тадбирлари, акция ва форум, учрашув ҳамда давра суҳбатлари

ташкил этилмоқда. Бу борада ЎзМТДП Наманган вилоят Кенгаши ҳам фаоллик кўрсатишга интиляпти. Мустақиллик байрамини муносиб кутиб олиш, тарғибот тадбирларимизда истиқлолнинг дастлабки йилларида халқимиз қандай оғир ва машаққатли синовларни бошидан кечирган, қисқа муддат ичида барча соҳаларда мисли қўрилмаган ютуқларга эришилгани, бир сўз билан айтганда, "Кеча ким эдигу, бугун ким бўлди" деган ҳаётий ҳақиқат мисоллар воситасида кўрсатиб берилмоқда. - деди партия раҳбари.

Шунингдек, йиғилишда ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси ўринбосари Жалолiddин Сафоев, партия Наманган вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Одижон Мамадалиев маъруза қилди.

Маърузаларда таъкидланганидек, Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, халқимиз, айнақса, ёш авлод қалби ва онига она юртга муҳаббат, истиқлолга садоқат туйғулари чучук синдириш масаласида бугунги кунда тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Бу борада ЎзМТДП вилоят Кенгаши томонидан жорий йилнинг 6 ойи давомида тадбирлар сифати ва таъсирчанлигига эътибор қаратган ҳолда 500 га яқин турли маънавий-маърифий тарғибот тадбирлари ташкил этилган. Хозирги кунда вилоятда партиянинг 11 минг 217 нафар аъзоси бўлиб, улар 324 та бошланғич партия ташкилотларига бирлашган. Аъзоларнинг 40 фоиздан зиёдин хотин-қизлар, салкам 50 фоизини эса ёшлар ташкил этади.

Шунингдек, кенгайтирилган йиғилишда халқ депутатлари Наманган вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги партия гуруҳлари ҳисоботи, ЎзМТДП Наманган вилоят Кенгаши аъзолари ва Ижроия Қўмитаси аъзолари таркибига ўзгартириш киритиш, ЎзМТДП Наманган вилоят Кенгашининг 2014 йил учун умумлаштирилган сметаси биринчи ярим йилликдаги ижроси ва аъзолик бадаллари тушуми ҳамда партия фаолиятига оид бошқа масалалар кўриб чиқилди. Муҳокама этилган масалалар юзасидан ЎзМТДП Наманган вилоят Кенгашининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Мустақиллик — менинг тақдиримда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда)

Мен ҳам ана шу илгор, етакчи ёшлар қаторидан жой олиш ҳамда Ватанимга муносиб фарзанд бўлиш мақсадида спортнинг таъқвоно тури бўйича Жанубий Кореяда ўтказилган Осиё чемпионатининг, Шарқ якка курашлари бўйича бутун жаҳон фестивали совриндор, турли халқаро турнирлар ғолиби ҳамда ўзбек жанг санъати бўйича олти қарра Ўзбекистон чемпиони бўлиш бахтига муяссар бўлдим. Яқинда Олмаота шаҳрида ўтказилган Бутун жаҳон Шарқ якка курашлари жунгри-таъқвоно бўйича очик жаҳон чемпионатида олтин медалга сазовор бўлдим.

Ўзим спортчи бўлсам-да, мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий-ижтимоий, ҳуқуқий ислохотларни таҳлил қилиш, ўқиб ўрганишга иштиёқим бандан. Ватанимизнинг

## Ватанга муносиб бўлиш

ва миллат шаънини қатордан қилиш — асосий вазифамиз

миллий-маънавий қадриятларини хурмат қилувчи, мамлакатимизни жаҳоннинг энг илгор давлатлари қаторида қўришни илғор ва бунга ўз ҳиссасини қўшишга тайёр ёшлар билан кўплаб эзгу ишларни амалга оширишга кўмаклашаётган Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясига аъзо бўлдим. Партия ғоялари, мақсад-вазифаларини тарғиб қилиш юзасидан кўплаб фаол тенгдошларим қаторида "Ёшлар қаноти" қошидаги "Ёш сиёсий билимдонлар" клублари жамоалари ўртасида мунтазам равишда ўтказиб келинаётган "Ўзбекистондаги иқтисодий-ижтимоий, сиёсий жараёнлар — ёшлар нигоҳида" деб

номланган интеллектуал кўрик-танловда иштирок этиб келялман. Шунингдек, "Тарих ҳақиқатлари: Ўзбекистон кеча ва бугун", "Юртимиз ифтихорлари — ёшлар даврасида", "Глобаллашаётган дунёда Ўзбекистон ёшларининг ўрни" каби тадбир ва давра суҳбатларида иштирок этаётган ёшларда етакчилик ва ташаббускорлик маҳорати, фаол фуқаролик позициясини қўриб уларга ҳава-симон орди. Юрт келажаги учун масъулиятли, жамиятда муносиб ўрин эгаллаётган оладиган, мамлакат раванқига ҳисса қўша оладиган ёшлар сафи кенгайтирилган фахрланасак арзийди. Партиямиз томонидан ўтказилаётган бу каби йи-

рик лойиҳалар ёшларнинг қалби ва онига миллий истиқлол ғоясини синдириш, шу асосда уларни жамиятимиз тараққиётининг ҳал қилувчи қўлига айланишида муҳим роль ўйнаши шубҳасиз.

Мен аввало, мустақиллик тенгдоши эканимдан, шу азиз Ватанда эъзоз топаётганимдан, жаҳон эътиборига тушган Ўзбекистон аталмиш диёрнинг фарзанди эканимдан фахрланаман. Шунини ишонч билан айта оламани, Юртбошимиз биз ёшларга билдирган ишонч эртаси нурафшон, толеи сарбаланд юртимиз учун юксак марраларни кўзлаб, шиддат билан олға одамлашга, янада улкан мақсад-вазифалар сари ундайди.

ЎзМТДП Хоразм вилоят Кенгашининг навбатдаги кенгайтирилган йиғилишида таъкидланганидек, жорий йилда эришилган натижалар билан бир қаторда кўплаб камчиликлар ҳам мавжуд, уларни бартараф этиш партия ташкилотлари фаолларидан изланувчанликни, ўзларига нисбатан талабчанликни кучайтиришни тақозо этади. Чунончи, маънавий-маърифий тадбирлар мавзуларига, оммавий ахборот воситалари учун тайёрланаётган маълумотларга, авваламбор, партия дастурий вазифаларидан келиб чиқиб ёндашилмаётганлиги ходимларнинг ўз устида жиддий ишлаш лозимлигини кўрсатади.

Вилоятда мавжуд бўлган 299 та бошланғич партия ташкилоти ўз таркибидан 15 минг нафарга яқин партия аъзосини бирлаштирган. Партия гуруҳларининг жойларда ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш бўйича фаолиятдан тортиб партиямизнинг сайловларда муваффақиятли иштирок этишини таъминлашга бўлган кенг қўламли вазифаларни амалга оширишда мазкур куйи бўғинларнинг самарали фаолияти муҳим аҳамиятга эга. Жорий ойда ўтказилаётган бошланғич партия ташкилотлари умумий йиғилишларида куйи бўғин етакчиси фаолиятига баҳо берилиши, электротат манфаатларини ҳимоя қилиш, ташкилот салоҳиятидан умумий фойдаланиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиши зарур. Бу эса тез кунлар ичида бўлиб ўтадиган шаҳар ва туман Кенгашлари Конференцияларига амалда барча делегатларнинг аниқ таклиф ҳамда мулоҳазалар билан келишини таъминлайди.

Йиғилишда қайд этилганидек, вилоят партия ташкилоти томонидан сайловларга тайёргарлик кўриш бўйича ишлар ушқоқлик билан режага асосан олиб борилмоқда. Олий Мажлис Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашларига депутатликка номзодлар, сайловларда "Ваколатли вакил" ва "Кузатувчи" сифатида иштирок этувчилар захираси тўла шакллантирилиши арафасида. Бу жараёнда депутатларнинг партия топшириқларини қай даражада бажараётгани, сайловчилар ишончини оқлайгани каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Негаки, мамлакатимизда фуқароларнинг онги демократик жараёнларга ҳамоҳанг равишда юксалиб, сиёсий ва фуқаролик фаоллиги ошмоқда, ён-атрофдаги воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик туйғуси ва эртанги кунга ишончи ортмоқда.

— Бугун мамлакатимизда бўлгани каби Хоразм вилоятда ҳам, ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг ҳаёtgа татбиқ этилишида, яъни Қонунлар, Президентимиз ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, давлат Дастурлари ижроси устидан назорат олиб боришда партия гуруҳларининг фаолияти муҳим ўрин тутди, - деди йиғилишда сўзга чиққан партия Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси ўринбосари, ЎзМТДП фракцияси раҳбари Улғубек Мухаммадиев. — Бу билан депутатларимиз ҳудудларнинг гуллаб-яшнашига ўз ҳиссаларини қўшишлари барибарада сайловчилар ишончини оқлайдилар. Биргина воҳода туризмни ривожлантиришнинг ўзи давлат хазинасига катта фойда олиб келиши билан бирга минглаб янги ишчи ўринларини яратиши, замонавий меҳмонхоналар ва бошқа жуда кўплаб сайёҳлик инфраструктураси иншоотлари бунёд этилади. Шунингдек, депутатларимиз жойларда мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг моҳияти хусусида кенг тарғибот ишлари олиб боришлари зарур. Партия вилоят Кенгаши сайловларга таратилган жараёнида ЎзМТДП гуруҳининг сўнги беш йилликдаги фаолияти тўғрисида кичик рисола чиқариб, сайловчиларни депутатларини ўз ваколат доирасида амалга оширган ишлари билан таништириш лозим. Бу эса сайловлардаги муносиб иштирокимизни таъминлаши шубҳасиз.

Шунингдек, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Сурхондарё ва Фаргона вилоят Кенгашларининг кенгайтирилган йиғилишлари бўлиб ўтди.

Ўз мухбирларимиз

Хамкорлик

## Сайловларни пухта ва изчил ёритиш

жараёнида оммавий ахборот воситалари тайёргарлиги муҳим ўрин тутаети

*Хабарингиз бор, Ўзбекистон Мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш Жамоат фонди томонидан босма ва электрон оммавий ахборот воситалари журналистлари мааласини ошириш бўйича ўқув-курслари ташкил этилмоқда. Мазкур ўқув-курсларнинг навбатдагисиди сиёсий партия нашлаари вакиллари иштирок этиш, Ўзбекистонда сайлов соҳасида амалга оширилаётган конституциявий ислохотлар мазмун-моҳияти билан яқиндан танишиб, мамлакатимиздаги тўртта сиёсий партия ва Экохаракатга танишув таширфини амалга оширдилар.*

Иштирокчилар ўқув-курслари доирасида ЎзМТДП Марказий Кенгаши фаолияти билан танишиб, партия етакчилари билан очик мулоқот қилдилар.

Тадбирни ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси ўринбосари Жалолддин Сафоев кириш сўзи билан очиб, ЎзМТДП фаолиятининг асосий йўналишлари ҳамда партиянинг сайловларга тайёргарлиги, ушбу жараёнда оммавий ахборот воситаларининг тугган ўрни хусусида гапириб, жумладан, шундай деди:

— Мамлакатимизда истиқлол йиллари ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш жараёнида сиёсий соҳани ислох этиш, кўппартиявийлик муҳитини қарор топтириш ва сиёсий партияларнинг давлат бошқаруви ҳамда жамият ҳаётидаги ролини оширишга алоҳида эътибор берилган бугунга келиб жаҳон жамоатчилиги томонидан ҳам эътироф этилмоқда. Сиёсий партиялар фаолиятига қаратилган эътибор тўғрисида ўтган йиллар давомида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси жамият

ятда амалга оширилаётган ўзгариш ва янгиланишларда фаол иштирок этишга интилаётган сиёсий куч сифатида майдонга чиқди. Ўрни келганда таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси мамлакатимиз миллий манфаатларини ҳимоя қилиш, маънавий қадриятларимизни, халқимизнинг урф-одатлари ва анъаналарини, бой тарихий меросимизни асраб-авайлаш ва бойитиш, миллий тикланиш госясини кенг тарғиб қилиш ва аҳоли онгига синдириш, ушбу гоя асосида халқни Ватан тараққийети, демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти қуришга қаратилган яратувчанлик ва ижодкорлик фаолиятига сафарбар этишни ўзининг асосий мақсади деб биледи.

Бугунги шиддат билан ўзгараётган замон, дунё ва атрофимизда кечаётган мураккаб жараёнлар ёшлар масаласига алоҳида эътибор қаратишни тақозо этмоқда. Биз ёш авлодни миллий маънавиятимиз, унинг минг йиллар мобайнида юзага келган қадриятларига содиқлик руҳида тарбиялаш, уларни ҳар томонлама етук ҳамда бар-

камол қилиб вояга етишишга йўналтириш масаласини ўз олдимизга асосий вазифа қилиб қўяр эканмиз, биринчи навбатда, тарихимизнинг бебаҳо дурдоналарини, буюк аждодлардан қолган ўлмас меросимизни кенг тарғиб этиш, келажақ авлодни мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларга дахлдорлигини ошириш, интеллектуал салоҳиятини юксалтириш ҳамда уларда фаол фуқаролик позициясини шакллантириш масаласига эътибор қаратишимиз лозим бўлади. Бу борада партияимиз томонидан "Донлик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони", "Ўзбекистондаги иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий жараёнлар — ёшлар нигоҳида", "Мустақиллик — миллий тикланиш ва юксалишдир", "Қадриятларимизга айлана қўйган мақсад-вазифаларни амалга оширишга интилоқда.

Давра суҳбати бевосита сайлов жараёнларида оммавий ахборот воситалари имкониятларидан унумли фойдаланиш ҳақида экан, бу борада ўқув-курслари вакиллари хамкорлигига таянамиз. Фаолиятимизда эришилаётган натижалар билан бирга ҳали фойдаланилмаган имкониятлар, камчиликларимиз ҳам борки, уларни барчараф этишда бугунги хамкорлик бизга асқотади, — деди нотик.

Маълумки, жорий йилнинг декабрь ойида мамлакатимизда муҳим сиёсий воқеа — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳамда халқ депу-

татлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларида умумхалқ сайловлари ўтказилади. Бу йилги сайловларга барча сиёсий партиялар қатори Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳам пухта ҳозирлик кўрмоқда. Гоғлар ва дастурлар курашади-ган сайловда голиблик ўз-ўзидан келмайди. Унга қонунлар орқали берилган ваколат ва ҳуқуқлардан самарали фойдаланиш, ўз гоғларини ҳаётга татбиқ этиш учун муқобил дастурлар ва лойиҳалар билан майдонга чиқиш, маъсулиятни ўз зиммасига олиш ва шу орқали халқ орасида обрў-эътибор топиш орқали эришилади. Шу билан бирга аввалги сайловларда партия томонидан берилган ваъдалар нечоғлик амалга оширилгани, электрор манфаатлари қанчалик таъминлангани, фуқаролар ишонч билдирган номзодлар халқ вакили деган мақомни қанчалик даражада оқлагани сингари саволларга ҳам жавоб топилади. Ана шундай жараёнларни халққа батафсил ҳамда тизимли, холи ва ҳақоний етказиш, сиёсий партияларнинг ўз сайловдаги ташвиқотларини амалга оширишлари ва имкон яратишда оммавий ахборот воситаларида алоҳида маъсулият, фаоллик, билим ва маҳорат талаб этилади. Уйлайманки, ўтказилаётган бу каби ўқув-курслари сайловлар жараёнида пухта ёритишда оммавий ахборот воситалари ходимларининг тайёргарлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Мулоқот давомида ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси девони бўлим бошлиқлари Дониёр Тошбоев ҳамда Аҳрор Каржановларнинг партиянинг оммавий ахборот воситалари ва жамоатчилик билан ишлаш, шунингдек, партия гуруҳлари фаолияти борасидаги маърузалари тингланди. Қизгин фикр-мулоҳазалар асосида ўтган тадбирда партия вакиллари журналистларни қизиқтирган саволларга атрафлича жавоб беришди.

Шаҳзода ГАҒФОРОВ,  
"Millyi tiklanish" мухбири

Хроника

## Муҳим сиёсий жараён

сайловларга ҳозирлик масалалари ўтказилган тадбирларнинг бош мавзусига айланди

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН

ЎзМТДП Қораўзақ туман Кенгаши томонидан "Сайлов жараёнида ЎзМТДП олдида турган мақсад ва вазибалар" мавзусида тадбир ўтказилди. Тадбирни партия туман Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси ўринбосари Қ.Жумамуратов кириш сўзи билан очиб, жорий йилда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий Кенгашларга бўлиб ўтадиган сайловлар олдида партия фаолиятини янада жонлантириш, сайлов жараёнига тайёргарлигини кучайтириш, сайловчиларнинг манфаатлари, муаммо ва тақлифларини ўрганиш, янги қонун ва қонун лойиҳалари юзасидан тушунтиришлар олиб бориш муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

Қайд этилганидек, жорий йилда ўтказилаётган сайловларда муносиб иштирок этиш барча сиёсий партиялар қатори ЎзМТДП учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шу боис барча даражадаги партия ташкилотларининг асосий эътибори сайловда муносиб иштирок этиш масаласига қаратилмоқда. Бунинг учун партия дастурий мақсадларини тарғиб қилиш, аҳоли ва электрор билан ишлашнинг замонавий услублари, умумэтироф этилган сиёсий технологиялардан самарали фойдаланиш, партия ташкилотларининг сайловчилар билан мунтазам алоқада бўлишлари талаб этилади.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ

ЎзМТДП Учтөпа туман Кенгаши "Ёшлар қаноти", Хотин-қизлар кўмитаси туман бўлими хамкорлигида "ЎзМТДПнинг ёшларга оид сиёсати: асосий йўналишлари, таъриби ва истиқболдаги вазифалари" мавзусида тадбир ўтказилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар томонидан эътироф этилганидек, юртимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар жараёни, яъни кучли фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий демократик давлат қуриш жараёнини аҳолининг асосий қисмини ташкил этувчи ёшлар иштирокисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шу боис, мустақиллик йилларида мамлакатимизда Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган тараққийётнинг "Ўзбек модели" асосида ёшлар ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашнинг ҳуқуқий, ташкилий асослари яратилди, уларнинг салоҳияти, истеъдодини рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашнинг мустаҳкам механизми шакллантирилди. Шу нўқтаи назардан ЎзМТДП томонидан мунтазам равишда ўтказиб келинаётган турли лойиҳа, қўрик-танловлар ёшларни Ватанга муҳаббат, миллий қадрият ва урф-одатларимизга садоқат руҳида тарбиялаш ҳамда етакчилик ва ташаббускорлик маҳоратини ошириш, уларда фаол фуқаролик позициясини шакллантириш, ижтимоий-сиёсий жараёнларга нисбатан дахлдорлик туйғусини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

НАМАНҒАН

ЎзМТДП Чуст туман Кенгаши ташаббуси билан "Фарзандлари соғлом юрт кудратли бўлур" шиори остида спорт мусобақаси ташкил этилди.

— Ёш авлодни баркамол қилиб тарбиялаш, жамиятда соғлом муҳитни қарор топтиришнинг асосий воситаси сифатида спортни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилапти, — деди ЎзМТДП Наманган вилояти Кенгаши матбуот котиби А.Қосимов. — Барча худудларда, хусусан, чекка қишлоқларда ҳам бунёд этилаётган замонавий спорт мажмуаларида ўғил-қизларимиз спорт билан мунтазам шуғулланиб, саломатлигини мустаҳкамламоқда. Бу борадаги кенг қўламли саъй-ҳаракатлар самараси фарзандларимизнинг саломатлигида, жисмоний кўрсаткичларида ҳам намоён бўлаётди. Партияимиз томонидан ўтказиб келинаётган бу каби мусобақалар келажагимиз эгаларини спорт билан шуғулланишлари учун кўмаклашиш, уларни жисмонан чиниктириш ҳамда соғлом бўлиб улғайишларида самара бериши шубҳасиз.

Мусобақа якунида фаол иштирок этган жамоалар партия туман Кенгаши ҳамда хамкор ташкилотларнинг эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

СИРДАРЁ

ЎзМТДП Сирдарё вилоят ҳамда Бовент туман Кенгашлари хамкорлигида Президентимизнинг "Юксак маънавият — энгилмас куч" асарини ўрганиш ва кенг тарғиб этишга бағишлаб ўтказилган давра суҳбатиди бугунги ахборот технологиялари асрида ёшлар онгини турли ёт гоғларнинг салбий таъсиридан асраш, уларни миллий қадрият ва анъаналаримизга ҳурмат руҳида камол топтиришда ушбу асарнинг аҳамияти ҳамда уни ёшлар ўртасида ўрганишни янада кучайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, бугунги глобаллашув асрида халқимиз маънавиятини асраш ва юксалтириш, айниқса, ёш авлоднинг қалби ва онгини турли зарарли гоғлар таъсиридан ҳимоя қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Президентимизнинг мазкур китобида одамзот учун ҳамма замонларда ҳам энг буюк бойлик бўлиб келган маънавиятнинг маъно-мазмуни, унинг инсон, жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти, бу мураккаб ва серқирра тушуночнинг назарий ҳамда амалий томонлари ҳар томонлама кенг қамровли фикрлар, ҳулосалар орқали таҳлил этилган. Шу боис, ЎзМТДП ташаббуси билан ушбу асарнинг мазмун-моҳиятини ёшларга тушунтиришга қаратилган бу каби тадбирларни мунтазам ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади.

АНДИЖОН

— Соғлом фарзанд — ҳар бир оиланинг беағи, десак адашмаган бўлаемиз, — деди ЎзМТДП Избоскан туман Кенгаши ташаббуси билан "Соғлом бола йили" муносабати билан "Соғлом бола — соғлом жамият" мавзусида ўтказилган тадбирда сўз олган партия вилоят Кенгаши Ижроия Кўмитаси девони етакчи мутахассиси Г.Салибаева. — Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан "Соғлом бола йили" деб ном берилган жорий йилда бу борадаги ислохотлар кенг миқёсда олиб борилоқда. Партияимиз томонидан ўтказилган тадбирлар, қўрик-танловларнинг аксарияти айнан шу мавзуга қаратилди. Ҳар қандай жамият соғлом ва баркамол, эл-юртига садоқатли, иймон-эътиқодли фарзандлари билан фахрланади, уларга суянади. Шундай фаилатларга эга авлодни тарбиялаб вояга етказган халқ келажаққа катта ишонч билан қарайди. "Соғлом бола йили"да мамлакатимизда амалга оширилаётган ишлар ана шундай эзгу мақсадларга хизмат қилиши шубҳасиз.

Тадбирда халқ депутатлари туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар, партия фаоллари, бошланғич партия ташкилотлари етакчилари иштирок этди.

ЖИЗЗАХ

ЎзМТДП Дўстлик туман Кенгаши ташаббуси билан "Оилавий тадбиркорликни ривожлантиришда хотин-қизларнинг фаол иштироки, муаммо ҳамда уларнинг самарали ечими" мавзусидаги тадбирда аёлларни оилавий тадбиркорлик ва миллий хунармандчиликка кенг жалб қилиш, соҳада учраётган айрим масалалар ва уларни хал қилиш йўллари ҳамда бу борада ЎзМТДП ташаббуслари атрафлича муҳокама қилинди. Эътироф этилганидек, юртимиз мустақилликка эришган илк кунлардан бошлаб хотин-қизларга яратилган шарт-шароит ва имкониятлар тўғрисида аёллар жамият ҳаётининг турли жаҳаларида фаоллик кўрсатишмоқда. ЎзМТДП томонидан ўтказилаётган бундай тадбирлар хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеини янада мустаҳкамлаш, уларни оилавий тадбиркорлик, хунармандлик, касаначилик фаолиятига кенг жалб этиш, бу соҳада яратилаётган имтиёз ва имкониятлардан уларни хабардор этиш ҳамда янги иш ўринларини яратишга кўмаклашишда айни муддао бўлмоқда.

БУХОРО

ЎзМТДП Олот туман Кенгаши томонидан "Тинчлик ва осойишталик — мамлакатимиз тараққийети қафолати" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Тадбирда партия туман Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси ўринбосари Ғ.Нарзуллаев сўзга чиқиб, тинчлик ва барқарорликни таъминлашда ЎзМТДПнинг ўрни хусусида тўхталиб, глобаллашув шароитида умуминсоний қадрият ва маънавият, тинчлик ҳамда осойишталикни сақлашнинг қудратли қуролига айлангани, мамлакатимиз хавфсизлигини таъминлаш нафақат давлат ва жамоат ташкилотлари, балки ҳар бир фуқаронинг ҳам муқаддас бурчи эканини қайд этди. Таъкидланганидек, бугун мамлакатимизда ҳукм сураётган осойишта ва фаровон ҳаёт қадрига етиш, эришилган ютуқларни ёш авлод ўртасида кенг тарғиб қилиш, уларни миллий истиқлол гоғларига содиқлик, ватанпарвар қилиб тарбиялаш муҳим аҳамият касб этади. Бу борада ёшлар иштирокида мунтазам маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиш, маҳалла, оила ҳамда мактаб хамкорлигини мустаҳкамлаш яхши самара бермоқда.

Ўз мухбиримиз

Бошланғич партия ташкилотлари — бош таянчимиз

## Муштарак мақсадимиз — юрт равнақига

ҳисса қўиш

*Партиянинг аҳолига энг яқин бўлган ташкилоти — қўйи бўғинлар фаолигини ошириш орқали электрорат манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни ўйлантираётган баъзи масалаларни чуқурроқ ўрганиш ва ҳал қилиш имконияти кенгайди. Чунончи, аҳолини ўйлантираётган масалаларни юқори партия ташкилотлари ва гуруҳларида етказиш айнан бошланғич партия ташкилотлари фаолият мезонининг асосини ташкил этиш, улар қанчалик ташаббускор ва фаол бўлса, партия фаолияти самарадорлиги ҳам юқори даражада таъминланади.*



(Ў.А) олаған сурат.

ЎзМТДП Хатирчи туман Кенгаши тасарруфида 1 минг 159 нафардан ортқ партия аъзосини бирлаштирган 35 та қўйи бўғин фаолият юритмоқда. Жумладан, туман марказий сўзбошхонаси ва поликлиникаси, "Янгирабод" почта алоқа тармоғи ҳамда "Галабек" маҳалла фуқаролар йиғини ҳузурда ташкил қилинган қўйи бўғинлар партия дастурий мақсад ва сайловолди Платформасида белгиланган вазибаларни кенг жамоатчиликка етказишда фаоллик кўрсатмоқда.

Туманнинг "Галабек" маҳалла фуқаролар йиғини қошидаги қўйи бўғин 2011 йилда ташкил этилган бўлиб, дастлаб 15 нафар аъзо билан иш бошлаган эди. Айни пайтда эса уларнинг сон 115 нафарга етди.

— Ҳар қандай сиёсий партиянинг мавқеи, нуфузи унинг кенг жамоатчилик, хусусан, партия гуруҳлари билан хамкорликда иш олиб бориши, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий соҳаларда амалга оширилаётган ишларнинг аҳоли томонидан нечоғлик қўллаб-қувватлаётгани билан ўлчанади, — дейди бошланғич партия ташкилоти етакчиси Шоира Хушвақова. Дарҳақиқат, қўйи бўғин етакчиси таъкидлаганидек, бошланғич партия ташкилоти билан халқ депутатлари туман Кенгашига сайланган депутатлар ўртасидаги ўзаро хамкорлик электрорат манфаатларини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Айниқса, депутатлар иштирокида ташкил этилаётган тадбирлар жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, инсон манфаатларини ҳимоя қилиш борасида юртимизда амалга оширилаётган ишлар тарғиботида қаратилганлиги билан ҳам эътирофга моликдир. Жорий йилнинг шу даврига қадар қўйи

бўғин ҳамда партия гуруҳи хамкорликда 40 дан ортқ ана шундай маънавий-маърифий тадбир, давра суҳбатлари ташкил этилган бу каби саъй-ҳаракатлар аҳолининг партияга бўлган ишончини мустаҳкамлашга, қолаверса, ЎзМТДП нуфузини янада ортишига хизмат қилмоқда.

— Мазкур қўйи бўғиннинг энг катта ютуғи — жойларда ўтказилаётган тадбирларни депутатлар билан хамкорликда ташкил этаётганда, — дейди туман партия ташкилоти Ижроия Кўмитаси раиси, халқ депутатлари туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат Баҳодир Турдиев. — Хусусан, партия сайловолди Платформасида белгиланган ёшларни ватанпарварлик, миллий истиқлол госясини содиқлик руҳида тарбиялаш, уларнинг қалбида миллий гурур уйғотиш, йигит-қизларни миллий-маънавий тарихий қадриятларимизга ҳурмат ҳамда ўтмиш меросимизнинг ҳаққий билимдонни, замонавий билимлар эгаси қилиб тарбиялашга кўмаклашиш каби вазибалардан келиб чиққан ҳолда қўйи бўғин ва депутатлар хамкорлигида "Ёшлар — Ватан таянчи", "Нафосат олами", "Амир Темура ва Теурийлар салтанатида фарзанд тарбиясининг ўзига хос жиҳатлари", "Мустақиллик бахт ва фаровонлигимиз асосидир", "Хушёрлик ва серғаклик — давр талаби", "Мамлакатимиз тараққийетида ёшларнинг ўрни", "Обод ва фаровон ҳаёт барпо этиш эзгу мақсадимиз бўлсин" каби тадбирлар ўтказилди. Қувонarli жиҳати, хамкорликдаги тадбирларда маҳалла аҳли ҳам фаол

иштирок этишга интилади. Бу албатта, юртдошларимизда ислохотлар тақдирига дахлдорлик туйғуси мустаҳкамланиб бораётганидан далолатдир.

Дарҳақиқат, бошланғич партия ташкилотлари аъзолари депутатлар ва партия фаоллари кўмагида "Соғлом оила — соғлом фарзанд — соғлом келажақ" мавзусида "Соғлом бола йили" Давлат дастурининг мазмун-моҳиятини тарғиб қилишга қаратилган тадбирларни ноанъанавий тарзда, мавзунинг ёритувчи саҳна кўринишлари, театрлаштирилган томошалар орқали талқин этишга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда. "Соғлом оилани шакллантиришда маҳалланинг ўрни", "Мустаҳкам оила — ёруғ келажақ гарови", "Оиланинг шаклланишида миллий анъаналар ва маданий қадриятларнинг ўрни", "Баркамол авлодни тарбиялашда оила ва маҳалла ҳамнавий тарихий қадриятларимизга ҳурмат бўлиши" мавзусларида ўтказилган тадбирлар шулар жумласидандир.

Таъкидлаш жоизки, қўйи бўғин аъзоларининг сиёсий-ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ҳам доимий эътиборда. Ўтган йилда партия гоғлари тарғиботида қаратилган ўқув-семинарларга қўйи бўғин фаоллари мунтазам жалб қилинди. Жорий йилда эса бу масалага янада кўпроқ аҳамият қаратилмоқда.

— Маълумки, қадимий анъаналаримиз бевосита хунармандчилик билан боғлиқ. Шу боис, маҳаллада хунармандчиликнинг тикувчилик, гиламчилик, каштачилик, зардўзлик, қуроқчилик турлари кенг ёйилган, дея суҳбатимизни давом эттирди қўйи бўғин етакчиси Шоирахон мамнулик билан. — Худудимиз чеварлари томонидан тайёрланган хунармандчилик маҳсулотлари ички бозорда хариддоргир. Қўшлоқ чевари деб ном чиқарган Шаҳноза Абдурашулованинг қўлида сайқал топан беҳирим либослар миллий ва замонавий анъаналар билан уйғунлиги тўғрисида барчага бирдек манзур бўлмоқда. Шаҳноза дугонаси Ноила Бердиева билан маҳалла қизларининг 10-15 нафарига тикувчилик ва пандалик сир-асрорларини ўргатаётганлигини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз.

Мухтасар айтганда, айни кунда ЎзМТДП Хатирчи туман Кенгаши қошидаги мазкур қўйи бўғин партия дастурий мақсадларини амалдаги ижросини таъминлаш, партия хайрхоҳлари сафини кенгайтириш ва энг асосийси, жамият ривожини ҳамда юрт равнақини йўлида фаол ҳаракат қилиб келмоқда.

Ўралоқ ТУРДИЕВА,  
"Millyi tiklanish" мухбири





Тарафдор



“Ягонасан, муқаддас Ватан: Ўзбекистон кеча ва бугун”

Темурийлар тарихи давлат музейида ташкил этилган давра суҳбати ушбу мавзуга бағишланди

(Давоми. Бошланғич 1-бетда)

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллигига бағишлаб “Ягонасан, муқаддас Ватан, севги ва садоқатим сенга баҳишди, гўзал Ўзбекистоним!” шiori остида тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, унга асосан, барча даражадаги партия ташкилотларида тарғибот тадбирлари ташкил этилмоқда. Уларда мустақилликнинг дастлабки йилларида халқимиз қандай оғир ва машаққатли синовларни бошидан кечиргани, қисқа муддат ичида Президентимиз раҳнамолигида барча соҳаларда мисли кўрилмаган ютуқларга эришилгани, бир сўз билан айтганда, халқимизнинг кечаги кун ва бугунги ҳаётини мисоллар воситасида кўрсатиб берилмоқда.

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Марказий Кенгаши, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси, Миллий ғоя ва мафкура илмий амалий маркази ҳамда Темурийлар тарихи давлат музейи ва Халқаро Амир Темур фонди ҳамкорлигида Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 23 йиллиги муносабати билан ташкил этилган мазкур тадбир “Ягонасан, муқаддас Ватан: Ўзбекистон кеча ва бугун” деб номланди.

Тадбирни ЎзМТДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси раҳбари Улуғбек Мухаммадиев кириш сўзи билан очиб, шу кунларда халқимиз Ватанимизнинг шонли тарихидаги улуг ва ёрқин сана — Ўзбекистон мустақиллигининг 23 йиллигини кенг нишонлашга катта таяёрлик кўраётгани, бу жараёнда юртимиз танлаган тараққиёт йўлининг нақадар тўғри ва ҳаётини эълан қилган бемисол ютуқ ва марралар мазмун-моҳияти, янги демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш борасида амалга оширилаётган ислохотларнинг теран аҳамияти яққол намоён бўлаётганини таъкидлади.

— Халқимизга озод ва фаровон ҳаёт, буюк келажаққа ишонч туйғусини ҳаёт этган мустақиллик байрамига ҳам санъатчи кўнлар қолмоқда, - деди партия фракцияси раҳбари. — Бундай шукҳли кунларда истиқлол берган имкониятлар ҳақида ҳар қанча гапирсак, унинг неъматларидан ҳар қанча фохрлансак оз. Истиқлол йилларида юртимизда ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш сари дадил қадамлар ташланди. Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, яратувчанлик ва бунёдкорлик, тинч ва фаровон ҳаёт, халқимизнинг ўз турмушидан рози бўлиб яшاشи мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилишга қаратилган тарғибот тадбирлари, турли учрашувлар фуқароларда юрт учун дахлдорлик туйғусини уйғотиб, ислохотлар жараёнида фаол иштирок этишга ундайди.

Давра суҳбатида ЎзМТДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоси Акмал Саидов маъруза қилиб, иштирокчилар эътиборини қуйидагиларга қаратди.

— Истиқлолнинг буюк ютуқларидан бири — юртимизда тарихан қисқа муддатда миллий давлатчиликнинг ҳуқуқий пойдеворини яратилгани билан бугун ҳар қанча фохрлансак арзийди. Утган даврда ана шу мустаҳкам пойдевор асосида ҳаётимизнинг барча соҳаларида туб ислохотлар амалга оширилди, давлат ва жамиятнинг тарихий тузиллиши модернизация қилинди ва янгиланди. Президентимиз таъбири билан айтганда: “Тарихан қисқа бир даврда ҳаётимизда бўлаётган кескин ўзгаришлар ва янгиланишларни чуқур англаш, тасаввур этиш учун биз кеча ким эдик, бугун ким бўлдик, деган табиий саволни бериш ўринли”. Дарҳақиқат, мустақил Ўзбекистон бугунги кунда демократик янгиланиш ва тараққиёт йўлидан қатъий янгиланиш босиб бораётган, куч-қудрати тобора юксалиб, замонавий кўптармоқли иқтисод-иқтисодиётга эга бўлган, ўз халқининг фаровонлигини оширишга қодир мамлакатга айла-

Шоҳида ММРЗАЕВА, “Milliy tiklanish” мухбири

Парламент ҳаёти

Малакали кадрлар

тайёрлашнинг ҳолати ва истиқболлари муҳокама қилинди

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан эшитув ўтказилди. “Иқтисодийнинг реал тармоқлари учун меҳнат бозори талабларидан келиб чиққан ҳолда кадрлар тайёрлашнинг ҳолати ва истиқболлари ҳамда уни ҳуқуқий такомиллаштириш” мавзусида ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт, Олий ва ўрта махсус таълим, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликларининг меҳнат бозори талабларидан келиб чиққан ҳолда иқтисодиётнинг реал тармоқлари учун малакали кадрлар тайёрлашнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари, бу йўналишдаги ишларни ҳуқуқий жиҳатдан такомиллаштириш масалаларига бағишланган ахбороти тингланди.

Тадбирни кириш сўзи билан очган Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси, ЎзМТДП фракцияси аъзоси А.Маматов истиқлол йилларида давлатимиз раҳбари ташаббуси ва раҳнамолигида мамлакатимиз таълим тизимини жаҳон стандартларига мос равишда ривожланишни таъминлаш, келажагимиз эгаларининг ҳеч қимдан кам бўлмай, билимли, маънавиятли навқирон авлод бўлиб вояга етиши йўлида кенг қамровли ишлар олиб борилаётганини таъкидлади.

Қайд этилганидек, истиқлолнинг илк кунларидан демократик тараққиёт мақсадларига эришишда муҳим қадрият ва ҳал қилувчи куч бўлган юқори малакали ва интеллектуал баркамол авлоднинг тарбиялашга қаратилган мукамал ҳуқуқий база яратилди. Жумладан, “Таълим тўғрисида”ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва тўқсондан ортиқ ҳуқуқий-меъёрий

ҳужжат бу борадаги ишларни тизимли асосда ташкил этишда муҳим дастуриямал бўлаётди.

Шунингдек, мазкур йўналишдаги дастур ва лойиҳаларда белгиланган вазифалар ўз вақтида ҳаёtgа татбиқ этилиши натижасида ўн икки йиллик узлуқсиз таълим тизими жорий этилди. Қўлаб умумтаълим мактаблари барпо этилди, мавжудлари қайта реконструкция қилиниб, замонавий ўқув-услубий жиҳозлар билан таъминланди. Жаҳон андозалари даражасида бунёд этилган замонавий касб-хунар коллежларида ўқувчи-ёшлар умумтаълим фанларини чуқур ўзлаштириши баробарида меҳнат бозори талабларидан келиб чиқиб икки-уч мутахассислик бўйича касб-хунар ўрганилди.

Йиғилишда иштирокчилар томонидан алоҳида эътироф этилганидек, мамлакатимизда таълим соҳасини ривожлантиришга ҳар йили мамлакат ялпи ички маҳсулотнинг 10-12 фоизи, давлат бюджети ҳа-

ражатларининг 35 фоизи йўналтирилмоқда. Бу эса ушбу соҳадаги ислохотларнинг роли ва аҳамиятини белгилаб беради.

Тадбирда иқтисодиётнинг реал тармоқларида кадрларга бўлган талабни аниқлаш механизми, уни янада такомиллаштириш, келгуси йилларга прогноз кўрсаткичлари, малакали кадрлар тайёрлашнинг замонавий тизими, бу йўналишдаги ислохотларни ривожлантириш йўналишлари, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини мустаҳкамлаш масалаларига бағишланган маърузалар тингланди. Эътироф этилганидек, давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини янада мустаҳкамлаш, бандлигини таъминлаш, таълим ва ишлаб чиқариш ҳамкорлигини кучайтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Хусусан, Қўмита депутатларининг ўрганишлари Тошкент кимё-технология институтининг Қорақалпоғистон Республикаси Кўнғирот шаҳридаги филиалининг талабалари Кўнғирот сода заводининг асосан заводда амалиёт ўтказидаги ходимлари ва Кўнғирот сода заводи коллежи талабаларидан иборат эканлигини кўрсатди. Бунинг натижасида 2013 йил коллеж битирувчиларининг 90 фоизи сода заводида доимий ишга жойлашган.

Парламент аъзоларининг фикрича, таълим жараёнини ислоҳ қилишда ва меҳнат бозорига талаб юқори бўлган малакали кадр-

ларни тайёрлашда олий таълим муассасалари муҳим ўрин эгаллайди, уларнинг сони ўтган йилларда 2 баравар ортди. Бунда олий ўқув юртлигига кириш йиллик кўрсаткичлари иқтисодиёт ва ижтимоий соҳанинг кенг қўламли модернизация қилиниши, замонавий юқори технология корхоналар, ахборот-коммуникация технологияларининг жорий этилиши, турли соҳаларда лойиҳаларнинг амалга оширилиши билан узвий боғлиқ ҳолда доимо мақбуллаштирилмоқда. Охириги икки йилда иқтисодиёт ва ижтимоий соҳа тармоқлари учун 109 мингдан зиёд бакалавр ҳамда 12 минг нафар магистр тайёрланди. Бугун ўрта махсус касб-хунар таълими тизимидagi 1 ярим мингдан ортиқ касб-хунар коллежи ва академик лицейларда 219 та мутахассислик бўйича кадрлар тайёрланмоқда.

Таъкидланганидек, давлат ва жамият, мамлакатимиз иқтисодиёти тараққиётининг ҳозирги босқичи, ахборот технологиялари ва ўзига хос “билимлар иқтисодиёти” принципларининг ҳар томонлама татбиқ этилиши, инновацион иқтисодиётнинг ривожланиши мамлакатимиз олий ва ўрта махсус таълим тизимининг тараққиотида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Депутатлар томонидан узлуқсиз таълим тизимига сифат ва самарадорликни ошириш, малакали кадрлар тайёрлаш, коллеж ва олий ўқув юртлигига ҳамда ишлаб чиқариш тармоқлари ҳамкорлигини ривожлантириш, иқтисодиётнинг барча соҳаларида малакали кадрларга бўлган эҳтиёжни тўлиқ қондириш, битирувчиларнинг бандлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишларни янада кучайтириш, мазкур йўналишда маҳаллий ҳокимликлар ҳамда таълим муассасалари ҳамкорлигини мустаҳкамлаш юзасидан тегишли таклиф ва тавсиялар билдирилди.

Ўз мухбиримиз

Партия гуруҳларида

Белгиланган режалар

депутатларимиз фаолиятида қай даражада намоён бўлмоқда?

ортиб, 48 тани ташкил этгани ва аҳамиятлиси, уларнинг деярли барчаси ижобий ечим топгани депутатларимизнинг самарали фаолиятидан дарак беради, - дейди ЎзМТДП Андижон вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси девончи етакчи мутахассиси Дилмурод Эшонхўжаев. — Бу кўрсаткичи депутатлик назоратини амалга ошириш, жойлардаги мансабдор шахсларнинг ҳисоботини тинглаш каби масалаларда ҳам кузатиш мумкинлиги қувонарли ҳол.

Дарҳақиқат, йилнинг биринчи ва иккинчи чорагида халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашидаги партия гуруҳлари томонидан ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, хунармандчилик, оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, аҳоли турмуш фаровонлигини янада яхшилаш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг баркамол этиб тарбиялаш борасида эътибор молик ишлар амалга оширилгани аҳоли ўртасида партиянинг нуфузи ортиши ва электрат ишончининг мустаҳкамланишига асос бўлмоқда. Мазкур саъй-ҳаракатлар сирасига Республика “Хунарманд” уюшмаси Андижон шаҳар бўлими ошириш, жойлардаги мансабдор шахсларнинг ҳисоботларини тинглаш каби жиҳатларга қай даражада аҳамият қаратилмоқда? Улар ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, электрат манфаатларини ҳимоя қилиш борасида қандай самарали ишларни амалга оширяпти?

Эътиборли жиҳати шундаки, 2013-2014 йилларнинг биринчи ярмида ЎзМТДП гуруҳлари томонидан амалга оширилган ишлар ўрганилганда, деярли ҳар бир йўналишда сезиларли даражада ўсиш кузатилганининг гувоҳи бўлиш мумкин. Таъкидлаш жоизки, бунда халқ депутатлари Андижон вилоят, туман ва шаҳар Кенгашиларидаги ЎзМТДП гуруҳларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Буни ҳудуддаги партия гуруҳларининг 2014 йил 1-2- чорагидаги фаолияти мисолида таҳлил қилишга ҳаракат қилдик. — Жорий йилнинг биринчи чорагида халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашиларидаги партия гуруҳлари томонидан 22 депутатлик сўрови амалга оширилган бўлса, иккинчи чорақда бу кўрсаткич 2 баробарга

туман ва Хонобод шаҳар Кенгашилари томонидан доимий комиссияларга таклифлар, сессияларга ташаббус-масалалар киритиш борасида оқсоқликка йўл қўйилаётгани боис, биз таққослаётган иккинчи чорақ мобайнида биринчи чораққа нисбатан пасайиш кузатиш, доимий комиссияларга жами 9 та таклиф (1-чорақда 18 та), сессияларга 6 та (1-чорақда 7 та) ташаббус-масала киритилгани аён бўлмоқда.

— Айрим депутатларимиз ўзларига билдирилган ишонччи оқламай, ишига масъулиятсизлик билан ёндашаётгани туфайли фаолиятимизда баъзи камчиликлар юзга келмоқда, - дейди ЎзМТДП Пахтаобод туман Кенга-

лиси, билдирилган фикр-мулоҳазалар, эътирозлардан депутатларимиз тўғри хулоса чиқарганлари боис ишларида ана жонланган кўзга ташлана бошлади. Жумладан, улар томонидан тумандаги коллеж битирувчилари бандлигини таъминлаш, “Сой” маҳалла фуқаролар йиғини аҳолисига тоза ичимлик суви келтириш каби таклиф ва ташаббусларнинг доимий комиссияси йиғилишига киритилгани сўзимиз далилидир.

Мухтасар айтилганда, халқ депутатлари Андижон вилоят, туман ва шаҳар Кенгашиларидаги ЎзМТДП гуруҳлари фаолиятида йилдан-йилга сезиларли даражада ўсиш кузатилмоқда. Қолаверса, бундай натижаларга эришишда кўпгина

● Жорий йилнинг биринчи чорагида халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашиларидаги партия гуруҳлари томонидан 22 та депутатлик сўрови амалга оширилган бўлса, иккинчи чорақда бу кўрсаткич 2 баробарга ортиб, 48 тани ташкил этган ва уларнинг деярли барчаси ижобий ечим топган

● Ҳудудда ЎзМТДПдан сайланган депутатлар томонидан депутатлик назоратини амалга ошириш 5 марта, мансабдор шахсларнинг ҳисоботини тинглаш 17 марта ташкил этиш, иккинчи чорақда мазкур кўрсаткичлар ошиб, 6 ҳамда 22 мартага етган

● Халқ депутатлари Марҳамат, Пахтаобод, Избоскан туман ва Хонобод шаҳар Кенгашилари томонидан доимий комиссияларга таклифлар, сессияларга ташаббус-масалалар киритиш борасида оқсоқликка йўл қўйилган

● Партия гуруҳи йиғилишида фаол иштирок этаётган, доимий комиссия йиғилишлари, сессияларда ташаббус кўрсатмаётган депутатлар жиддий огоҳлантирилди

депутатларимизнинг фаоллиги, ташаббускорлиги, ўз ваколатларида унумли фойдаланишга интилаётганини алоҳида эътироф этиш жоиз. Бироқ шуни унутмаслик керакки, хотиржамлик кайфиятига берилмасдан, ўз фаолиятини танқидий таҳлил қилиб боришимиз партия ишининг янада такомиллашувига, бўлажак сайловларда муносиб иштирок этишимизга замин ҳозирлайди.

Умида УЗОКОВА, “Milliy tiklanish” мухбири

© Бизнинг шарҳ

## СУВ ТОШҚИНЛАРИНИ БАШОРАТ ҚИЛИШ МУМКИН...МИ?



**АҚШнинг Ирвайн шаҳридаги Калифорния университети олимлари юз беражак сув тошқинини 5 ой аввал айтиб беришди. Бу аллақандай башорат эмас, аниқ илмий ҳулоса эди. Ернинг гравитация майдони тебранишлари асосида эҳтимолий сув тошқинларининг олдини олиш мумкин, деб ҳисоблаган бу олимлар "GRACE" сунъий йўлдоши кўмагида тўпланган маълумотлар бўйича Миссури дарёси соҳилларида тадқиқотлар олиб беришга ва олдиндан қилинган тахмин тўғри чиқди.**

Ушанда NASA агентлиги сунъий йўлдошлари томонидан ер ости қатлами суви кўтарилиши натижасида гравитация майдонида тебранишлар юзага келгани кузатилади. Ҳўш, эндиликда шундай тадқиқотларни бошқа ҳудудларда ҳам ўтказиш мумкинми? Янги изланиш ўзини қай даражада оқлайди? Олимлар бу усул билан фақат 200 минг квадрат километр ва ундан сал кўпроқ майдонда офат юз бериши эҳтимоли ҳақида оғоҳ этиши мумкин экан. Ҳар йили мавсумий муссон ёмғирлари бўлиб турадиган Ҳиндистон, Покистон каби мамлакатларда бу усулнинг иш бермаслиги аниқ. Ҳуллас, гравитация

тебранишларини таҳлил қилиш учун ой керак бўлади. Бу, албатта, катта мuddат. Мутахассисларнинг фикрича, 2017 йилгача сунъий йўлдош маълумотларини қайта ишлаш учун сарфланадиган вақтни икки ҳафтагача камайтириш имконияти пайдо бўлади.

Сув тошқинларининг олдини олишда халқаро космик станция — МКСда фаолият юритаётган фазогирларнинг ҳам ҳиссаси катта бўлаётир. Аини пайтда космонавтлар Кавказдаги Казбек тоғида юз берадиган табиий жараёнларни доимий равишда ўрганиб бормоқда. Маълумотларга кўра, ҳозир айнан, шу тоғда янги вулконлардан бири уйқудан кўз очмоқда. Вулконнинг ҳаракатга келиши оқибатида абдий музликлар кучиб, кучли сел келиш хавфи ҳам йўқ эмас. Шу йилнинг май ойида фазода иш олиб бorgan космонавтлар Казбекда 10-12 миллион кубометр тоғ жинслари ва музликларнинг силжиганини аниқлашган. Уларнинг бир қисми Терек дарёсига кулаши оқибатида сув тошқини юз бериши мумкин экан.

Олимлар Тайвандда сунъий йўлдош орқали табиатдаги ўзгаришларни кузатиш тизими асосида ҳам бой тажриба тўпланган. Хитойга қарашли бу оролда 4 та марказ бўлиб, ҳар бири ўз йўналишига эга. Кузатувчилар кўприклар ва бошқа муҳим аҳамиятга эга иншоотларни жиддий кузатишмоқда.

Кўнра китъа Европанинг Болгария, Сербия, Германия, Венгрия, Польша, Австрия мамлакатлари аҳолиси ҳам бу

йил табиатнинг жиддий синовидан ўтишига тўғри келди. Болгариянинг сайёҳлик шаҳарлари — Варна, Албена, Краево инфратузилмасига жиддий зиён етган. Сув тошқини оқибатида Болкондаги бу давлатда 10 киши ҳалок бўлиб, яна 3 киши бедарак йўқолган.

Буюк Британия Беркшир графлигининг ўнлаб аҳоли пунктлари 1755 йилдан буён биринчи марта жорий йилнинг февраль ойида кучли ёғингарчиликлар оқибатида сув остида қолди. Аҳолига ўз вақтида ёрдам кўрсатилмагани оқибатида юзлаб одамлар турар-жойларидан айрилган, кўплаб миқдорда зарар кўрган. Бир қоп қумнинг нархи эса олтин баҳоси билан тенглашди. Баъзи уйдабурон бритаңияликлар ўғирланган қум қолларни 50 фунт стерлингдан пуллаган ҳолатлари ҳам кузатишган. Айтишларича, ўша пайтда Виндзор қалъасида жойлашган қиролича қароргоҳидан Темза дарёсини тўлиб тошиб оқаётганини бемалол кўриш мумкин бўлган.

Маълумотларга кўра, сайёраимизда турли йилларда мисли кўрилмаган сув тошқинлари юз берган. 1928-1930 йилларда Хитойда қаттиқ қурғоқчилик ҳукм сургани тарихдан маълум. 1930 йилнинг декабрь ойида кутилмаганда кучли бўрон юз бериб баҳорда тинимсиз ёмғир ёққан. Оқибатда Янцзи ва Хуайси дарёлари сатҳи кескин кўтарилиб, мамлакатнинг собиқ пойтахти — Нанкиннинг ҳам сув босган.

Хитой халқи бу йил ҳам табиат инжиқликларига қарши жиддий кураш олиб боришга тўғри келяпти. Июль

ойида кучли жала ёғиши оқибатида Янцзи дарёси соҳилларидаги Ляонин, Цилин, Хейлуңцзян, Цзянсу, Хубэй, Хунан, Гуйңжоу, Сичуан вилоятларида хавфсизлик чоралари кучайтирилди. Янцзи дарёси узунлиги 6 минг 380 километрга тенг бўлиб катталиги жиҳатидан Нил ва Амазонкадан кейин учинчи ўринда туради. Далил ва рақамлар шунки кўрсатадики, ҳозир осийликлар сув тошқинларидан энг кўп азият чекаётган китъа вакиллари ҳисобланади. Бу борада Хитой биринчи, АҚШ эса ундан кейинги поғонада турибди. Бу рўйхатдан Бангладеш, Вьетнам, Ҳиндистон, Индонезия, Филиппин, Австралия, Россия ва Бразилия мамлакатлари ҳам ўрин олган. Айниқса, Ганг, Брахматпутра, Мегхна ва бошқа дарёлар билан ўралган Бангладешнинг учдан икки қисми сув гирдобида қолмоқда.

Яна бир маълумот. 2050 йилдан жаҳон иктисодиёти айнан сув тошқинидан йилига 1 триллион долларгача маблағ йўқотиши кутилмоқда. Айниқса, Гуанжоу, Майами ва Нью-Йорк шаҳарларига осон тутиб бўлмайди. Халқаро таҳлилчиларнинг сўзларига кўра, аини пайтда соҳил бўйидаги дунёнинг 136 та шаҳрига сув тошқини хавф солаётир. Гуанчжоу ер юзидеги энг хавфли шаҳарлардан бўлиб қолди. Сув тошқинидан кўрилатган зарар шаҳар ялғи ички маҳсулотни ҳажмининг 1,46 фоизи ёки 13,2 миллиард доллар атрофида баҳоланмоқда.

Мумбай, Калькутта, Майами, Нью-Йорк шаҳарлари ҳам шулар жумласига киради. Мисрнинг Искандария шаҳри 2050 йилга бориб, ялғи ички маҳсулотнинг 15,4 фоизи миқдоридеги зиён кўриши айтилмоқда. Бунинг учун соҳилга қурилган муҳофаза деворини 60 сантиметрдан 67 сантиметргача кўтариш зарур. Умуман олганда, кўпгина шаҳарлардаги дамба баланглигини океан сатҳидан 2-8 сантиметргача кўтаришга тўғри келади. Жорий йилнинг биринчи ярмида дунё бўйича табиат катаклизми оқибатида 42 миллиард доллар миқдорда зарар етган. 2 минг 700 дан ортиқ киши ҳаётдан кўз юмган. Табиий офатдан кўрилган зиённи қоплаш мақсадида кўпгина сугурта компаниялари аҳолига аввалдан ўз хизматларини тақлиф этмоқда.

Аждодларимиз бежиз сув балосидан асрасин, дейишмаган. Сув оби ҳаёт бўлиши билан бирга биз юқоридеги санаган чексиз талофатлар, қурбонлар сабабчиси ҳамдир. Фан мамлакат иқтисодиётига зарар келтирадиган, инсон ҳаётига таҳдид соладиган ана шу ҳалокатларни башорат қилишнинг турли йўллари излашда давом этади. Зеро, бу йўлдаги ҳар бир уриниш шаҳарларни асраши, минглаб инсонлар ҳаётини сақлаб қолиши мумкин.

Азимжон ПўЛАТОВ

## Эболага даво топиладими?

**АҚШ Эбола безгагини даволаш учун мўлжалланган тажрибавий вакцинани етказиб беришга тайёрлигини маълум қилган.**

Либерия ҳукумати беморларни даволаш вақтида вирусни юқтириб олган шифокорлар учун дори-дармон сўраб Вашингтонга мурожаат қилган. Тажрибавий вакцина ана шу мурожаатга жавоб тариқасида тақдим этилиши керак. Ушбу восита Монровига келгуси ҳафтада келтирилиши режалаштирилган. Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, Эбола эпидемияси 1013 кишининг ҳаётига зомин бўлган. Қуни кеча Гвинеяга Хитойдан жўнатишган тиббий-гуманитар ёрдам етиб келган. У турли тиббий мосламалар ҳамда ҳимоя кийимини ўз ичига олади. Шунингдек, ҳудудга хитойлик эпидемиологлар ҳам юборилган.



## Сўнгги 200 йилда

**Американинг Детройт шаҳрида кучли сув тошқини рўй берди.**

Маҳаллий оммавий ахборот воситалари тарқатган маълумотларга кўра, бундай кучли ёмғирлар мазкур ҳудудда сўнгги икки юз йилда кузатилмаган. Бир сутка давомидеги ёққан ёмғир 12 см.га етган. Бунинг оқибатида шаҳар аҳолининг аксарияти ишга ўз вақтида етиб бормаган. Айрим кўчалар каналларга, автомагистраллар дарёларга айланиб қолган. Қурбонлар сони ҳақида маълумотлар тарқатилмаган. Воқеа жойида кўтарувчилар ва оғир юк транспортлари иш олиб бормоқда.



## Қаерга борсам экан?

**Жорий йилда сайёраимизда сайёҳлар сони сезиларли равишда кўпайган.**



Халқаро сайёҳлик сафарлари бутун дунёда бир неча фоизга ошган. Бутунжаҳон сайёҳлик ташкилоти маълумотларига кўра, ҳозир ер юзи аҳолисининг қарийб 2 миллиард нафар аҳолиси сайёҳлик мақсадида хориж мамлакатларига сафар қилишмоқда. Маълумотларга қараганда, туризмга дахлдор инфратузилмаларда бугун 250 миллион нафардан ортиқ киши меҳнат қилаётир. Дунё иктисодиёти кўраётган даромадининг 9,5 фоизи, яъни 5,5 триллион АҚШ доллари миқдоридеги маблағ айнан ушбу соҳа ҳисобидеги шаклланади. Аини пайтда Греция, Испания, Индонезия, Хитой, Туркия каби давлатлар туризмни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

## Оммабоп ёқилғи

**Японияда ишлаб чиқарилаётган янги турдаги ёқилғи аҳоли орасида катта қизиқишларга сабаб бўлмоқда.**

Аҳамиятли жиҳати шундаки, ёқилғини тайёрлашда озик-овқат маҳсулотлари қолдиқларидан фойдаланилмоқда. Қолдиқлар герметик идишга солиниб, устидан сув қуйилади. Сўнг босим оширилиб, 200 даражагача қиздирилади. Ярим соатлик ишлов жараёни натижасида торфга ўхшаган ёнувчан модда ҳосил бўлади. Мутахассисларнинг айтишича, бир тонна ана шундай чиқиндидан тўрт юз килограммгача ёқилғи тайёрлаш мумкин. Янги турдаги ёқилғининг ўзига хос хусусияти шундаки, у ҳавога захарли газни нисбатан кам чиқаради.



Интернет хабарлари асосида тайёрланди

© Рангин дунё

**Лаъла Боғ қалъа, Пари Биби сағанаси, амалий санъат, тўқимачилик ва археологияга оид ноёб артефактларни ўзиде сақлаб келаятган миллий музей, шунингдек, каттаю кичик шарқона бозорлари билан дунёга танилган Бангладеш яна бир бетақорор санъат тури - Баул кўшиқчилигининг ватани ҳамдир.**

Бауллар асосан Бангладеш ва Фарбий Бенгалия (Ҳиндистон) нинг қишлоқ жойларида яшайди. Улар тасаввуфчи-шоирлар қабиласи вакиллариридир. "Баул" эса "дарбадар авлиё" деган маънони англатади. XIX асрда шаклланиб, XX асрда янада сайқал топган баул кўшиқлари ҳозирги кунда ҳам мамлакат қишлоқларида истикомат қилувчи аҳоли томонидан севиб ижро этилмоқда. Бундай кўшиқлар бенгал маданияти ривожига улкан ва бемисл ҳисса қўшгани боис, 2005 йили ЮНЕСКОнинг Инсоният оғзаки ва номоддий маданий мероси рўйхатига киритилди.

Осий халқларининг гўзал анъана ва урф-одатларини ўзига сингдира олган Бангладеш бой маданиятга эга. Бенгал тилида жудаям кўп тарихий ва адабий қўлёзмалар битилган. Улардан энг дастлабки VIII асрда, Чарепалада бенгал лаҳжасидадир. XIX асрга келиб бенгал адабиёти Рабиндранат Тагор ва Қози Назрул Исломи каби адиблар мисолида юксак чўққиларни забт этди. Гопал Бхар, Тхакумар Жули ва Маймансингха Гитика каби санъаткорлар ижросидаги халқ

оғзаки ижоди намуналари жаҳон афкор оммасининг эътиборига тушди. Улар орасида баул кўшиқчилиги санъати ўзига хос бўлиб, бенгал музикасининг ажралмас қисми сифатида ҳозирга қадар ижро этиб келинмоқда.

Замонавий баул ижрочилари узокларга сайёҳат қилишни унчалик қушламайди. Улар қишлоққа қишлоқ юриб, кўшиқ айтиб тирикчилик қилади. Баул усталарига бир неча чолғучи (яктор, дутор ва ногора) ва жүрөвзолар ҳамроҳлик қилиши мумкин. Гарчанд, баул айтувчилар тасаввуфчи-шоир бўлса-да, бирор бир динга мансуб эмас. Бундай кўшиқларда, энг аввало, инсоний туйғу ва қадриятлар улуғланади. Бауллар музика ва шеър орқали танани поклашга, бир зум бўлса ҳам дунё ташвишларини унуттишга чорлайди.

Анъанага кўра, бауллар кўшиқ орқали нафақат ижодий, балки ақлий салоҳиятини ҳам намоён қилади. Баул айтган кўшиқда мантиқ, маъно-мазмун билиниб туриши керак. Шунинг учунми, баул ижрочиси шеър ва музикадан яхшигина хабардор бўлиши талаб этилади. Шундангина бенгал фольклори-

## Баул кўшиқчилиги санъати



га хос ёрқин, таъсирчан ва оммабоп кўшиқ тингловчининг қалбидан жой олиши мумкин. Инсон қалбига кириб бориш осон иш эмас, албатта. Буни билган баул ижрочиси шеър ёзишда бисотидаги энг латиф сўз ва ибораларни қўллашга ҳаракат қилади.

Этник музика санъатининг алоҳида бир тури ҳисобланувчи баул индуизм йўналишидаги "бхакти", "шупхи" каби кўшиқчилик санъати ривожига ҳам ижобий таъсирини кўрсатган. Баул кўшиқлари фалсафий қарашларга бой. Кўшиқ тили йиллар давомида ўзгариб бorgan. Шу боисми, бундай кўшиқ-

лар бугунги кунда ҳам оммабоплигини йўқотмай келмоқда. Шунга қарамай, баул ижрочиларининг ҳаёти ҳавас қиларли даражада эмас. Улар дарбадарликда ҳаёт кечириб, санъатларини кичик доиралардагина намойиш этишади. Бу, ўз навбатида, баулларнинг оммалашувига тўсқинлик қилаётир. Аини пайтда бундай кўшиқларни интернет орқали тинглашнинг ўзи амримаҳол. Маълумотларга кўра, ўтган асрнинг 80-йилларида замонавий баул ижрочиси Пабан Дас Баул ва англиялик гитарачи Сэм Миллс ҳамкорлигида бир неча баул кўшиқлари ёзилган. Бирок,

ўшандан бери бу каби уринишлар деярли кузатилмаган. Бенгалларга баулларнинг кўшиғи билан бирга камтарона ҳаёт кечириши ҳам ёқадди. Дарҳақиқат, уларни моддий бойлик ҳеч қачон қизиқтирмаган. Уст-боши бут, қорни тўқ ва энг асосийси, қўлида чолғу асбоби бўлса бўлгани. Бангладешликлар ана шу фазилатлари учун ҳам уларни авлиё деб билишса керак. Бу юртда баул кўшиқчилиги санъати ҳаммаша эъзозда, уни сақлаш, асраб-авайлаш масаласига эса барча бирдек масъул.

Зафар МУҲАММАД

